

**321** Тугатилаётган «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясининг активларини самарали бошқариш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 9 мартдаги 67-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзулгуржисавдо» АК акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида «Сергелиулгуржисавдо» шўъба хўжалик жамиятининг мулкӣ

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

комплексини (кейинги ўринларда мулкый комплекс деб аталади) туташиб кетган ҳудуд билан биргаликда «Ўзулгуржисавдо» АК балансидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси балансига бепул асосда беришга қарор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзулгуржисавдо» АКнинг тугатиш комиссияси ўн кун муддатда мулкый комплексни туташиб кетган ҳудуд билан биргаликда белгиланган тартибда берсин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси эса — ўз балансига қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг «Сергелиулгуржисавдо» шўъба хўжалик жамиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси ҳузуридаги «Имкон» давлат унитар корхонасига («Имкон» ДУК) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси бир ой муддатда «Имкон» ДУК рўйхатдан ўтказилишини ва тегишли мол-мулк унга тезкор бошқарувга берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 11 июль,  
208-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 11 июлдаги 208-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига киритиладиган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмахсустаъминот» агентлигини тугатиш тўғрисида» 2008 йил 25 августдаги 193-сон қарорига 1-иловага қуйидаги мазмундаги блок қўшилсин:

<p><b>«Имкон» ДУК, Тошкент шаҳри</b></p>
--

Hujjat 2012 yil 16 iyul holatiga

**321-322-моддалар**

— 66 —

**28 (528)-сон**

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 26-модда) 3-иловининг 2-бандига «Имкон» ДУК (Тошкент шаҳри)» сўзлари қўшилсин.

www.lex.uz